

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 122-ҳадис

122 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يُلْدُغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُحْرٍ مَرَّيْنِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоху алайхи васаллам: **«Мўмин бир тешикдан икки марта чақилмайди»**, дедилар".

Муттафақун алайҳ.

**Фойда:** Мўмин киши эҳтиёткор ва фатонатли бўлгани учун икки марта қоқилмайди.

**Шарҳ:** Мусулмон киши ақлли ва фаҳмли бўлиб, бу хусусда Куръони каримдек илоҳий кўрсатмадан қувват олади. Оламлар робби Аллоҳга ибодат қилиши билан ҳидоят ва нурга мушарраф бўлади. Агар хатога йўлиқса, ўша хатосидан ибрат, дарс, фойда олади. Бир хил хатони қайта-қайта қиласкермайди. Фақат иймонидан ажралган инсондагина бундай ҳодиса юз бериши мумкин. Ҳадисга эътибор берилса, мусулмон эмас, иймон келтирган мўмин бир тешикдан икки марта чақилмайди, деб айтилмоқда.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мўмин киши зийрак, фаросатли ва теран фикрли бўлади.
2. Мўмин киши айнан бир нарса устида икки марта алданмайди.
3. Мўмин киши аввалги тажрибаларидан фойдаланади.
4. Мусулмон киши одамлар олдида осонгина алданмайдиган, зийрак кўриниши даркор.
5. Умар ибн Хаттоб алдашдан йироқ ва алданишдан ақллироқ эдилар. Яъни, у зот алдамасдилар ҳам, бошқадан алданмас ҳам эдилар.



NUBUVVAT MARVARIDLARI